

Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2018 йил 28 июнь • пайшанба • № 76 (4049)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, азизларни, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган муҳтарам фахрийларимизни 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан муборакбод этиш, барчангизга чуқур хурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Жамиятимизда демократик қадриятларни қарор топтириш, фуқароларимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, дунёда ва мамлакатимизда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, воқеа-ҳодисалар ҳақида тезкор ва ҳаққоний маълумотлар етказиш борасида сиз, матбуот ахлининг фидокорона меҳнат қилаётганингизни халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Сизлар каби минг-минглаб олижаноб касб эгаларининг саъй-ҳаракатлари, истеъдод ва маҳорати билан мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари халқимиз ҳаётига, унинг қувонч ва таъшишларига тобора яқин бўлиб, Ўзбекистоннинг янги, демократик киёфасини шакллантиришда ғоят муҳим роль ўйнамоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг сони қарийб 4 баробар кўпайиб, 1500 тага етгани ушбу тармоқда ўсиш, ўзгариш жараёнлари изчил давом этаётганидан далолат беради.

Энг муҳими, соҳа ривожига ана шундай миқдор ўзгаришлари билан бирга сифат ўзгаришлари ҳам юз бермоқда. Бунинг тасдиғини миллий медиа майдонимизда фуқаролик жамиятининг муҳим шартли бўлган нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғи кенгайиб, самарали фаолият кўрсатаётгани, интернет журналистикаси жадал ривожланиб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Кейинги пайтда оммавий ахборот воситалари ходимларининг демократик жараёнлар, фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ўрни ва нуфузини, маҳаллий газеталар, теле-радиоканалларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, энг асосийси, матбуотда фикрлар, қарашлар хилма-хиллигини таъминлаш бўйича жиддий ишлар амалга оширилгани сизларга яхши маълум, албатта.

Газеталаримиз, теле-радиоканалларимизда ошқо-

ралик, таҳлил ва ҳолис танқид руҳи қучайгани, бевосита хорижий мамлакатлардан тайёрланаётган материаллар сони ортиб бораётганини биз ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

Бугун биз дунёдаги узок-яқин давлатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаб, юртимиздаги демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга интилар эканмиз, бошқа соҳалар қатори оммавий ахборот воситалари фаолияти бўйича ҳам ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини яхши тушуна-миз. **Оммавий ахборот воситалари сўзда эмас, амалда «тўртинчи ҳокимият» даражасига кўтарилиши зарур.** Бу – замон талаби, ислохотларимиз талаби.

Биринчи навбатда медиа тармоқлари фаолияти самарасини ошириш, уларни халқ билан мулоқот-нинг ишончли воситасига айлантириш, замонавий ахборот хизматлари бозорини, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш сингари долзарб масалалар доимий эътиборимиз марказида бўлиши керак.

Шу мақсадда парламентимиз томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига ахборот соҳасини янада демократлаштириш ва ривожлантиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича фаол иш олиб борилаётгани, айниқса, эътиборлидир.

Бу борада Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг моддий-техник базасини яхшилаш, қалам ҳақи миқдорини ошириш, ижодий жамоалар билан йирик компаниялар ва хўжалик бирлашмалари, банклар ўртасида «дўстлар клублари»ни ташкил этишга қаратилган амалий ишларимизни таъкидлаш лозим.

Оммавий ахборот воситалари учун замонавий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида яқинда катта умидлар билан Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ташкил этганимиздан хабарингиз бор.

Ушбу олий таълим маскани соҳада эришилган ютуқларни ҳар томонлама ўрганиш, журналистика фани, унинг илмий-назарий асосларини, замонавий медиатеchnологияларни чуқур ўзлаштириш, халқаро стандартлар даражасидаги юқори малакали кадрлар тайёрлаш имконини беради.

Ҳеч шубҳасиз, оммавий ахборот воситалари соҳасида амалга оширилаётган ана шундай ишлар-

нинг барчаси Ўзбекистон журналистикасининг жаҳон ахборот майдонида муносиб ўрин эгаллаши учун мустаҳкам пойдевор яратади.

Хурматли оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Ҳозирги вақтда ҳаётимизда амалга оширилаётган модернизация ва янгиланиш жараёнларининг туб моҳиятини халқимизга етказиш, одамларни янги марралар сари сафарбар этиш, олдимизга қўйган вазифаларни сифатли амалга оширишда сизларнинг таъсирчан сўзингиз, фаол гражданлик позициянгиз сув билан ҳаводек зарур.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам адолат тамойилига, ўзининг ҳаётий ва ижодий принципларига содиқ қолиш, одамларни қийнаётган камчилик ва муаммоларни дадиллик билан кўтариб чиқиш, уларни бартараф этиш учун жамоатчилик фикрини шакллантиришга, аввало, сизлар каби маънавий жасорат эгаларига қодир бўлади.

Биз жамиятимизда ошқоралик, адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда, ҳуқуқий демократик давлат асосларини мустаҳкамлашда сизларга, сизларнинг билим ва истеъдодингизга таянамиз.

Айниқса, ҳаёт ва касб тажрибангизни ёшларга ўргатиш, уларни замонавий фикрлайдиган, Ватан ва халқ манфаатини муқаддас деб биладиган, соғлом ва барқамол инсонлар этиб тарбиялашда қўлчиликка ўрнак ва намуна бўласизлар, деб ишонаман.

Ўз-ўзидан равшанки, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимларининг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини муносиб баҳолаш ва рағбатлантириш, соҳа ривожига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш бундан буён ҳам биз учун устувор вазифа бўлиб қолади.

Азиз ва муҳтарам дўстлар!

Сизларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан яна бир бор самимий табриклияман.

Барчангизга сихат-саломатлик, эзгу фаолиятингизда ютуқ ва омадлар, оилавий бахт, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда демократик қадриятлар, сўз ва матбуот эркинлигини ривожлантириш, халқимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, аҳолига ҳолис ва ҳаққоний ахборот етказиш, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар, модернизация жараёнларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги муносиб хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвон ва орденлар билан тақдирлансин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНЪАТ АРБОБИ»

Рашидов Асил – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таржмон, публицист

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ»

Жалилов Норқобил Қолимович – «XXI аср» газетаси бош муҳаррири
Маҳмудов Фарходжон Шавкатович – Ўзбекистон Миллий теле-радиокомпанияси «O‘zbekiston 24» телеканали бош муҳаррири

2»

Аҳоли муаммоларини ҳал этиш, турмуш шароити ва ҳаёт сифатини яхшилаш – бош мақсадимиз

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 27 июнь куни «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини амалга ошириш, аҳоли яшаш жойларини обод масканга айлантириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари иштирок этди.

Президентимизнинг 2018 йил 29 мартдаги «Обод қишлоқ» дастури тўғрисидаги фармонига мувофиқ, жорий йилда 159 та тумандаги 386 та қишлоқда қурилиш-ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу қишлоқларда 142 мингта яқка тартибдаги уй-жой ва 1000 дан зиёд қўп қаватли уйни таъмирлаш, 2,5 минг километр электр, 495 километр газ, 2 минг километр ичимлик суви тармоқларини тортиш ва қайта тиклаш, 17 минг дона канализация қудуғи ва 3 минг километр йўлларни таъмирлаш, 2 минг 400 та бозор ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш белгиланган.

Бундан ташқари, 388 мактаб, 313 боғча, 168 тиббиёт муассасаси, 38 маҳалла биноси ва 55 бошқа ижтимоий соҳа объектини қуриш ва таъмирлаш режалаштирилган.

Бугунги кунга қадар 51 минг 660 яқка тартибдаги уй-жой, 518 қўп қаватли уй, 610 километр электр тармоғи, 66 километр газ қувири, 398 та трансформатор

пункти таъмирланган.

Йиғилишда бу борадаги дастлабки натижалар атрофлича таҳлил қилинди. Дастурда белгиланган ишларни ташкил қилиш ва амалга оширишда суствашликка йўл қўйилаётгани қайд этилди.

Таъкидланганидек, дастурга қўшимча киритилган 64 қишлоқнинг 44 таси бўйича, хусусан, Анджонда – 22, Навоийда – 6, Тошкент вилоятида – 13, Хоразмда – 3 та қишлоқнинг бош режаси ишлаб чиқилмаган.

Президентимиз дастурни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағларни шакллантириш борасидаги ишлар суствашлик билан олиб борилаётганини танқид қилди. Қатор ҳудудларда уй-жойларни таъмирлаш ишлари ҳануз талаб даражасида ташкил этилмаган. Мисол учун, 54 қишлоқдаги жами 14 мингта уй-жойни таъмирлаш ишлари бошланмаган. Қишлоқ жойлардаги қўп қаватли уйларни таъмирлаш ишлари талаб даражасида эмас.

Йиғилишда дастур доирасида аҳолининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш борасидаги ишларни такомиллаштириш зарурлиги таъкидланиб, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида сув тармоқларини қуриш ишларини жалдлаштириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб олинди.

2»

КУН НАФАСИ

«Yoshlar – kelajagimiz» Davlat dasturi tўғrиси-даги Президент фармони қабул қилинди. Унга муво-фиқ, 2018 йил 1 июлдан бошлаб мамлакатимизнинг барча туман (шаҳар)ларида «Yoshlar – kelajagimiz» Дав-лат дастури амалга ошири-лади.

ЎЗА

«Ўзбекистон Респу-бликасида онла инсти-тутини мустаҳкамлаш концепциясини тас-диқлаш тўғrисида»ги Президе-нт қарори қабул қилинди.

ЎЗА

Президент қарори би-лан Ўзбекистонда Шан-хай ҳамкорлик ташки-лотининг Халқ дипло-матияси маркази ташкил этиладиган бўлди.

ЎЗА

Президент қарорига мувофиқ «Илгор фер-мер» ва «Меҳнатқаш деҳқон» кўкрак нишон-и таъсис этилди.

«Ҳуқуқий ахборот» канали

АҚШнинг Жон Хоп-кинс университети ҳузу-ридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти ра-иси, профессор Фредерик

Старр бошчилигидаги экспертлар Ўзбекистон Республикаси ташки ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди. Шунингдек, меҳмон-лар Ўзбекистон электрон оммавий ахборот восита-лари ассоциацияси медиа марказида бўлиб, тузилма фаолияти билан ҳам та-нишди.

ТИВ ахборот хизмати

Инсон ресурсларини таъкид қилиш соҳасида дунёдаги энг йирик конс-салтинг ташкилоти бўл-ган – «Mercer» компа-нияси ҳисоботида кўра, Тошкент эк-спертлар (экспертант – чет эл-лик ишчи ёки корхона-нинг чет элда ишлайди-ган ходими) учун дунёда энг арзон шаҳар деб то-пилди.

«Шуманай, Қонлиқўл, Шаҳрисабз ва Фозилмон ихтисослаштирилган дав-лат ўрмон хўжалиқларини ташкил этиш чора-тал-бирлари тўғrисидаги ҳу-қумат қарори қабул қи-линиб, 46 720,8 гектар майдонда давлат ўрмон хўжалиқлари тузилади-ган бўлди.

Daryo.uz

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни



Юксак ишонч ва рағбат масъулиятга ундайди

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлигини ошириш, жамиятда демократик принципларни мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта. Соҳа ходимлари мамлакатимизда кечаётган янгиланиш жараёнларини чуқур таҳлил асосида ёритиш, аҳолига ҳаққоний ва ҳолис ахбо-ротларни етказиш борасида самарали меҳнат қилмоқда.

2»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИМАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ
КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР
ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

41

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ
КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ

Рахмонов Вахоб – Адабиётшунос, мухаррир-ношир

«МЕХНАТ ШУҲРАТИ»
ОРДЕНИ БИЛАН

Абдухаликов Фирдавс Фридунович – Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси

Алихон Бобир Ботирович – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази директори

Вакилов Шерпулот Жўрабоевич – «Овози тожик» газетаси бош мухаррири

Қўчқоров Юнусали – Наманган тумани «Истиклол» газетаси мухарири

Хайдаров Уйғун Тўйчиевич – Қашқадарё вилояти телерадиокомпанияси бош муҳандиси

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдижамилова Умит Сапарбаевна – «Қорақалпоғистон» телеканали Ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий дастурлар бош мухаририяти катта мухарири

Азимов Алишер Тўхтасинович – «Daryo.uz» веб-сайти бош мухарири

Бадалов Алишер Норматович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси директори

Ғуломов Шамшодбек Ҳамидович – Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси ўринбосари – бош директор

Лешинская Татьяна Владиславовна – «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси қирқув дастгоҳлари машинисти

Махмудова Гўзал Қорабоевна – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Таржима таҳририяти етакчи таржимони

Мухаммадхон Нодирхон Баходирович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston 24» телеканали диктори

Нурметова Зулайха – Эллиқалъа тумани «Давр кўзуси» газетаси бош мухарири, Қорақалпоғистон Республикаси

Хосилова Маруса Атоқуловна – «Табият ва ҳаёт» газетаси мухарири, Навоий вилояти

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўлланма ижтимоий-сиёсий ислохотлар, янгиланиш ва инновация жараёнларидаги фаол иштироки, кўп йиллик самарали меҳнати, ёш авлодни она юртимизга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умумбағиш қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Баграмов Станислав Владимирович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston 24» телеканали шарҳловчиси

Ёмгурова Гулжаҳон Эгамовна – Бўка тумани «Халқ овози» газетаси бош мухарири, Тошкент вилояти

Жўраева Барчиной Мусалламовна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston» телеканали Маданий-маърифий ва бадий дам олиш дастурлари бош мухаририяти бош мухарири ўринбосари

Жўраев Носиржон Жамолитдинович – Ўзбекистон

тон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Мусаев Жанибек Жамбулович – «UzReport» ахборот агентлигининг «UzReport.news» веб-сайти мухарири

Очилов Ахрор Шуқуруллаевич – «Ватанпарвар» газетаси бўлим мудир

Саматов Ғуломжон Хурсандович – «Халқаро Пресс-клуб» нодавлат-нотижорат ташкилоти бош продюсери

Сулаймонов Асроржон Ғафурович – «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси масъул котиби

Тожиалиев Давронбек Рустамович – «ziyouz.uz» веб-сайти бош мухарири

Тўйчиева Доно Оқилонна – Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи корректори

Турсунов Зафар Рихсибевич – «Radio Poytaxt» масъулияти чекланган жамияти бош мухарири

Умарова Наргиза Баходировна – «Ёшлар овози» газетаси бош мухарири ўринбосари

Шаропов Абдуллажон Турғунович – «Akademnashr NMM» нашриёти бош мухарири

Эрматов Азизжон Ғаниевич – Учкўприк тумани «Янги Фарғона» газетаси мухарири, Фарғона вилояти

Юнусов Баходир Махсудович – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази бош мухарири

Ҳасанов Ғолиб Матлабович – «Зарафшон» – «Самаркандский вестник» газеталари бош мухарири ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2018 йил 27 июньЮксак ишонч ва рағбат
масъулиятга ундайди

41

Ўзбек Миллий академик драма театрида 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, фахрий журналистлар, ноширлар, матбаачилар, олий ўқув юрларининг профессор-ўқитувчилари катнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Бу йил тарихимизда биринчи марта ушбу сана муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида биноа соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ ходимлар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Бу байрамга ўзгача шуқу ва кўтаринки руҳ бағишладилар. Тадбирда Ватанимизнинг юксак мукофотлари тантанали топширилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбари томонидан сўнгги йилларда оммавий ахборот воситаларининг ривожлантириш ва матбуотнинг таъсирчанлигини оширишга катта эътибор берилганини алоҳида таъкидладилар. Соҳа ходимларининг меҳнати муносиб тақдирланаётгани учун Президентимизга миннатдорлик билдирдилар.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда фуқароларнинг сўз эркинлигига доир ҳуқуқларини, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, соҳа ходимлари манфаатларини ҳимоялаш борасида барча ҳуқуқий асослар яратилган.

Президентимизнинг 2017 йил 3 августда ижодкор зиёлилар вакиллари билан ўтказган учрашувда илгари сурган гоя ва тақдирлари мамлакатимиз ижодий ташкилотлари фаолиятида янги даврни бошлаб берди. Ҳуусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш «Илҳом» жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида», «Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ри-

вожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарорлари соҳани янада ривожлантириш ва ходимлар меҳнатини муносиб баҳолаш ҳамда уларнинг турмуш шароитларини яхшилашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда 1500 дан ортиқ оммавий ахборот воситаси фаолият олиб бормоқда. Улардан 700 га яқини газета, 309 таси журнал, 65 таси телевидение, 35 та радио, 4 та ахборот агентлиги, 15 таси ахборотно-

листлар, илмий-педагог кадрлар тайёрлаш университетининг асосий вазифаларидан этиб белгиланган. Дунёда шиддат билан кечаётган глобаллашув жараёнида ахборотнинг ҳал қилувчи кучга айланиб бораётгани, миллий журналистиканинг таракқиёти, бугунги ҳолати ва истикболи билан бог-лик масалаларни чуқур ўрганган ҳолда мамлакатимиз ахборот сиёсатини такомиллаштириш, бу борада олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини янада ошириш муҳим йўналишлардан саналади.



Темур МАМАЖОНОВ (ўз) орадан суратлар.

ма-бюллетень, 395 таси веб-сайтдан иборат. Мавжуд телерадиоканалларнинг 66 фонизини, босма нашрларнинг 50 фониздан зиёдини нодавлат ахборот воситалари ташкил этади. Мустақилликдан аввал республикаимизда 395 та оммавий ахборот воситаси бўлиб, уларнинг деярли барчаси давлатга қарашли эди.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда нодавлат оммавий ахборот воситалари муҳим роль ўйнамоқда. Зеро, таракқиётнинг муҳим омилларидан бўлган фикрлар ранг-барангчилигининг шаклланишида оммавий ахборот воситалари салмоқли ўрин эгалламоқда.

Соҳада амалга оширилаётган ислохотлар замон талабига мос кадрлар тайёрлаш масаласини юзага чиқармоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 24 май кун «Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети» ташкил этиш тўғрисида» қарори бу борадаги тарихий ҳужжат бўлди.

Мазкур қарорда оммавий ахборот воситаларининг барча турлари учун кадрлар, жумладан, бир неча хорижий тилларни биладиган халқаро журна-

Соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, янги-янги ижодий парвозлар сари қорлаш, касб малакаси ва маҳоратини оқсатириш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Бундай савий-харакатлар журналистика-миз ривожига хизмат қилаётган турли кўрик-танловлар, ижодий беллашулар, грант лойиҳалар, ижтимоий дастурларда ҳам ўзининг ақол ифодасини топтомоқда.

Шу кун Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг фаол журналисти» республика кўрик-танлови ғолиблари ва совриндорларига ҳам мукофотлар топширилди.

Байрам тадбири иштирокчилари учун Ўзбек Миллий академик драма театри санъаткорлари ижросида махшур адиб Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема» асари асосида тайёрланган спектакль намойиш этилди.

Шу кун Тошкентнинг Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида байрам сайллари давом этди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбириАҳоли муаммоларини
ҳал этиш, турмуш
шароити ва ҳаёт
сифатини яхшилаш –
бош мақсадимиз

41

Ўтказилган таҳлиллар кишлоқларда сизот сувлар сатҳини пасайтириш борасидаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмаганини кўрсатмоқда. Сизот сувлар сатҳини пасайтириш учун 2,2 минг километр мелiorация тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш талаб этилади. Бироқ, бугунги кунда атиги 220 километр коллектор-дренаж тизимида ишлар бажарилган.

Давлатимиз раҳбари икки ҳафта муддатда кишлоқларда ирригация ва коллектор-дренаж тармоқлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишни яқинлаб, ишларни бошлаш бўйича мутасаддиларга топширик берди.

Ингилишда 73 кишлоқда 455 километр электр тармоқларини ҳамда 40 аҳоли пунктида 76 километр газ таъминотини таъмирлаш ишлари халигача бошланмагани алоҳида кўрсатиб ўтилди. «Ўзбекэнерго» АЖ раҳбариятига бу колоқлиқни тезда бартараф этиш, маҳаллий ҳокимликлар билан бирга икки ҳафта муддатда ушбу кишлоқларда электр энергияси тармоқларини таъмирлаш ишларини бошлаш вазифаси топширилди.

Шунингдек, чекка ҳудудларга сукутирилган газ баллонлари етказиб бериш бўйича кунлик график ишлаб чиқиб ижросини таъминлаш, дастурга киритилган кишлоқларда ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва таъмирлаш ишлари оракда қолмоқда. Жумладан, 318 мактаб бўйича лойиҳа-смета ишлари якунланмаган. 109 оилавий поликлиника таъмирлаш бўйича тармоқ жадваллари ишлаб чиқиб ва тасдиқлашни жаддаллаштириш зарур.

Қашқадарё, Самарканд, Сирдарё кишлоқларида тиббиёт муассасаларини таъмирлаш ишлари кечиктирилмоқда. Мактабгача таълим муассасаларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари фақат Бухоро, Жиззах, Навоий ва Тошкент вилоятларида ўз муддатида бажарилмоқда.

Кишлоқ жойларда замонавий савдо нуқталари ҳамда маншарий хизмат кўрсатиш мажмуалари барпо этиш кишлоқ аҳолиси турмуш шароити яхшиланишида муҳим самара беради. Бундан 2 ой олдин ўтказилган Ингилишда кишлоқларда 368 савдо комплекси қуриш бўйича топширик берилган эди. Айни кунда уларнинг 52 тасини қуриш бошланган, 36 тасига ер ажратилган, 66 таси реконструкция қилинмоқда.

Ингилишда 214 супермаркет типидagi савдо комплексларини қуриш, кишлоқларда маншарий хизмат кўрсатиш мажмуалари ва ҳаммомларни намунавий лойиҳалар асосида барпо этиш учун бўш турган бино-иншоотларни тадбиркорларга бериш чораларини қўриш зарурлиги қайд этилди.

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча вилоятларида қурилиш-обodonлаштириш ишлари жадвал олиб боришмоқда. Ингилишда ҳудудларга қурилиш материалларини узлуксиз ва етарли миқдорда етказиб бериш, кишлоқларда шундай махсулотлар дўконлари очиб зарурлиги таъкидланди. Бу белгиланган тадбирларнинг сифатли ва муддатли бажарилишини таъминлаб, қурилиш ишлари нархи ошиб кетишининг олдини олади.

Маълумки, Президентимиз 11 июнь йил 1 июнь кун Чилонзор туманидаги Хирмонтепа ва Тираск-обод маҳаллаларида бўлганида «Обод маҳалла» дастури лойиҳасини шакллантириш бўйича топширик берган эди.

Бугунги кунда тажриба сифатида Тошкент шаҳрининг 11 тумани ва юртимиздаги 30 шаҳарда 1 тадан маҳалла ҳудудида обodonлаштириш ишлари олиб боришмоқда.

Ингилишда давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳридаги маҳал-

лаларни ўрганиш борасида бошланган ишлар ҳусусида тўхталар экан, пойтахтимиздаги аҳоил вилоятлардаги энг чекка кишлоқлардан ҳам ачинарли эканини афсус билан қайд этди.

Халқимиз бир ойдан буён Тошкент шаҳридаги маҳаллалар аҳоили тўғрисидаги телекўрсатувларни кўриб борапти. Нафақат Чилонзорда, балки шаҳарнинг деярли барча туманида Манасдаги шарондан баттар жойлар борлигини ҳокимлар ва мутасадди идоралар раҳбарлари билмайди. Сабоби, раҳбарлар бундай жойларга умуман бормаган, – деди Президентимиз. – Қачонгача ҳокимликлар ва мутасадди идоралар раҳбарлари юқоридан топширик келишини кутиб ўтиради, қачон улар муаммо ва камчиликларини ўз ташаббуси билан бартараф этишни бошлайди? Афсуски, шу вазгача бу саволга ҳеч қимдан жавоб олмадим.

Ана шу қаб камчиликларни бартараф этиш мақсадида «Обод кишлоқ» дастури тажрибасидан келиб чиқиб, «Обод маҳалла» дастури қабул қилинди.

Ушбу дастурга мувофиқ, жорий йилда ҳар бир шаҳарда камида 2 тадан ва 2022 йилгача ҳар йили камида 3 тадан маҳалла қиёфаси тудбан янгиланади. Ичимлик суви, электр ва табиий газ, канализация тармоқларида қурилиш-таъмирлаш, сизот сувлари сатҳини пасайтириш ишлари олиб борилади. Шунингдек, 5 минг 607 километр ички йўллар, 369 ижтимоий соҳа объектини таъмирлаш, 969 бозор инфрақурилиш объектлари ва сервис шохобчалари барпо этиш мўлжалланган, Бунинг учун маҳаллий ҳокимликлар ҳузурида «Обод маҳалла» жамғармалари тузилди.

Дастурни амалга ошириш учун 2018-2019 йилларда жами 3 триллион 130 миллиард сўм маблағ ажратилади. Бир сўз билан айтганда, мазкур дастур маҳаллаларни обод қилишда муҳим кадам бўлади.

«Обод кишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларининг амалга ошириш ислохотларимиз ичида энг муҳим ўринлардан бирини эгаллайди, – деди Президентимиз. – Чунки биз халқимиз олдида уларнинг муаммоларини ҳал этиш, турмуш шароити ва ҳаёт сифатини яхшилашга бурчимиз.

Ингилишда дастурга мувофиқ кишлоқ ва маҳаллаларни обод қилиш ишларини тизимли ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

«Обод кишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларининг сўзсиз ижросини таъминлаш юзасидан қатъий назорат механизминини янада қучайтириш, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳаларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш борасида ҳар бир туман ва шаҳар бўйича алоҳида «Йўл харитасини» ҳамда уй-жойлар, ижтимоий ва маншарий хизмат кўрсатиш объектлари қурилишини ташкил этиш юзасидан «тармоқ жадвали»ни тасдиқлаш зарурлиги таъкидланди.

Ҳар ҳафтадан чоршанбаси «Обод кишлоқ» ва «Обод маҳалла» кунли деб белгиланди. Шу кун республика – вилоят – туман даражасидаги барча ташкилотлар билан ушбу дастурлар ижросини танқидий муҳокама қилиб, муаммоларни бартараф этиш чораларини қўриш бўйича топшириклар берилди.

Жойлардаги ҳақиқий аҳолини биз халқимиздан яширмаймиз ва борини қандай бўлса, шундай кўрсатиб бораемиз. Албатта, бу кўпчиликка ёқмайпти, кўп раҳбарлар бунини ҳазм қила олмапти. Лекин, биз бу борадаги барча ҳолатни ва бошланган ишларимизни халқимиз билан ба-маслаҳат ва жамоатчилик назорати остида амалга оширамиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Видеоселектор Ингилишда «Обод кишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари ижросини ўз вақтида, сифатли таъминлаш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича мутасадди раҳбарлар зиммасига тегишли вазифалар юклатилди.

ЎЗА

Хориждан хабар

Халқаро
ёшлар
форуми

Беларусь Республикаси пойтахтида бўлиб ўтаётган «ТЕМП – 2018» – Касаба уюшмалари ёшлари халқаро таълим форумида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги ёшлар бирлашмалари вакиллари ҳам иштирок этмоқда.

Делегация аъзолари 15 та мамлакат делегацияси катнашаётган мазкур форум доирасида юртимизда амалга оширилаётган давлатнинг ёшларга оид сиёсати ҳақида маълумот беришди.

– Форум биз учун ўзига хос тажриба вазифасини ўтамоқда, – дейди Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмалари Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Нуралӣ Пардаев. – Бу ерда нафақат соҳамиз учун керакли билимлар олашмиз, балки лидерлик маҳорати, нотиклик санъати ва ёшларни касаба уюшмаларида жалб этиш хусусиятлари ҳақидаги семинар-тренингларда фаол катнашиш имкониятига эга бўлдик.

Иштирокчилар учун мазкур мамлакатнинг тарихий аҳамиятга молик жойларига саёҳатлар ҳам ташкил этилди.

Форум ўз ишини давом эттирмоқда.

Тадбирлар доирасида иштирокчиларнинг Беларусь касаба уюшмалари Федерацияси штаб-квартираси ҳамда бошқа ижтимоий объектларда бўлиб, бу ерда ёшлар учун яратилаётган имтиёз ва имкониятлар билан танишиши ҳам кўзда тутилган.

Темур МАМАЖОНОВ
Минск

– Президентимизнинг 2018 йил 24 май куни эълон қилинган «Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори соҳа ривожда муҳим ҳужжат бўлди. Бунинг қўлчиллик эътирофи эътибори. Университетнинг биринчи ректори сифатида илк ишни нимадан бошладингиз?

– Мамлакатимизда журналист кадрлар шу вақтга қадар икки факультет (ЎЗМУ, ЎЗДЖТУ) ҳамда бир бўлими (ҚҚДУ)да тайёрланган. Дастлабки қилган ишимиз – журналист кадрлар тайёрлашнинг бугунги аҳолининг ўрганиши, қанча талаба қайси ўқув режа ва дастурлар асосида тахсил оляпти, деган саволларга жавоб излаш бўлди. Россия, Туркия, АКШ, Буюк Британия, Германия, Хитой ва Жанубий Корея университетларининг бу соҳадagi тажрибалари билан танишиб, ўқув режалари, ўқитиладиган фанлар, журналистиканинг ижтимоий мақоми, ҳукуки каби масалаларни батафсил ўрганиб чиқдик. Мақсад – жаҳон журналистлар тайёрлаш тизимини қамраб олиш, уни комплекс таҳлил қилиш ва Ўзбекистонга миллий, маҳаллий, ҳудудий ўзига хосликларини назарда тутган ҳолда татбиқ этиш.

Бу жараёндаги илк қадам ўқув дастурлари ва ўқув-услубий мажмуаларимизни хориж тажрибаси

жиҳозланишига кенг эътибор берилиб, мультимедиа маркази, мўъжазгина радиостудия очилади. Ҳудуд Wi-Fi билан таъминланади. Яъни бўлажак журналист ҳар бир назарий билимининг амалиёт билан мустақамлаб, малака ва қўниқмага ҳам эга бўлиб боради.

– Қатор хориж давлатларидаги олий ўқув юртли факультетлари тизимини ўрганиб чиқиш асосида бу университетнинг ўзига хос жиҳатларини қандай тасаввур қилдингиз?

– Университетимиз Санкт-Петербург, Москва, Анкара, Истанбул, Гози, Хожитена, Иби Халдун университетлари билан ҳамкорлик ҳақида меморандумлар имзолади. Уларнинг педагогик ва илмий фаолиятларидаги ўрганишга лойиқ ютуқларга диққат қаратдик. Масалан, Санкт-Петербург университетиде талабаларнинг амалиёт ҳисоботи ҳамда давлат аттестацияси журналист-амалиётчилар, яъни буюртмачилар томонидан қабул қилинар экан. Москва давлат университети журналистика факультети эса замонавий техника билан жиҳозланган, талабалар телематериални мустақил тайёрлайди. Мана шундай яхши тажрибаларни батафсил ўрганиб, таълим тизимимизга янада самаралироқ усулда татбиқ этишимиз лозим. Бу бизга хатога йўл қўймаслик ва мил-

листлар тақчиллиги юзага келди. Талабаларнинг аксарияти иккинчи-учинчи курсдаёқ ишга жойлашади. Чунки биз янги давр – ахборот асрида яшаймиз. Бугун ахборот миллий жамиятлар ривожланишининг асосий мезони ҳисобланади. Эътибор беринг, барча идораларга ахборот билан ишлайдиган мутахассислар керак. Ҳар қандай шароитда ҳам пухта материал қила оладиган малакали мутахассислар тайёрлаш долзарб тус олди.

Университетимиз ушбу вазифани икки йўна-



ТЕЗКОРЛИК, ХОЛИСЛИК, МАҲОРАТ... бундай тамойиллар фаолиятимиз асосидир

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникация университети ректори Шерзодхон ҚУДРАТХҲҲАЕВ билан суҳбат

асосида тайёрлаш бўлди. Уларда талабалар учун нима муҳим, нима номуҳим, ҳар бир фанининг зарур ёки зарур эмаслиги, албатта, инобатга олинади. Асосий эътибор амалиётга қаратилиб, «олий математика», «ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» каби фанлар ўқув режадан чиқариляпти.

Аудиториялар сентябрда ўқишни бошлашга тайёрланмоқда. Юқори малакали профессор-ўқитувчилар ишга жалб этилиб, бўлажак ўқитувчилар рўйхати ва портфолиоси шакллантириляпти. Ўқув адабиётлари, дастурлар, мажмуалар ишлаб чиқилмоқда. Журналистикага оид кўплаб янги, хорижий адабиётлар сотиб олинди. Яқин куларда университет учун ажратилган бино таъмирланиши ҳам бошлаб юборилди.

– Жамиятимизнинг университетга эҳтиёжи тушунарли. Аммо бу университет нимага эҳтиёж сезияпти?

– Назаримда, саволни Ватанимиз мазкур илм масканидан нима кутмоқда, тарзида қўйган маъқулроқ. Ўзбекистон оммавий ахборотни йиғиш, ишлаш ва тарқатиш соҳасида билим, маънавияти, техник ўткир, ўз юртини дилдан севувчи мутахассисларга муҳтож. Бу масъулиятли, жиддий вазифани бажариш осон бўлмайди. Аммо шундай вазифа топширилгани, демек, биз уни урдаётганимиз шарт.

Янги университетнинг эҳтиёжига келсак, табиийки, энди оёққа тураётганда жуда кўп нарса керак. Жумладан, педагог кадрлар, таъмирланган бино, маъмурий таркиб, журналистик техника ва ҳоказолар. Журналистлар тезкор, шу билан бирга сифатли ишлаши зарур. Шу сабабли университетнинг техник

Мавзуга доир ҚАБУЛ ЖАРАЁНИ ҚАНДАЙ КЕЧМОҚДА?

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида умумий ўрта таълимни (11-синф базасида) таъминлашга шартнома имзолаган мавзу бўйича ёзма ижодий салоҳияти синовдан ўтказилди. Бакалавр босқичига 100, магистратурага 30, олий журналистика курсларига 6 нафар талаба қабул қилинади.

Жорий йил ижодий имтиҳоннинг дастлабки босқичи оғзаки тарзда бўлади. Талабгорларга асосий баҳо соҳа мутахассислари томонидан берилади. Навбатдаги босқичда абитуриентларнинг таъинланган мавзу бўйича ёзма ижодий салоҳияти синовдан ўтказилди. Бакалавр босқичига 100, магистратурага 30, олий журналистика курсларига 6 нафар талаба қабул қилинади.

Қабул Инжа университети биносида бўлиб ўтмоқда.

лий журналистикамизни ривожлантириш имконини беради.

– Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларида малакали кадрлар тақчиллиги юзага келган. Янги ташкил этилган университет ушбу муаммоларга ечим бўла оладими?

Дарҳақиқат, бу кун тартибда турган долзарб масаладир. Мамлакатимиздаги вазирилик, қўмита, идоралар вакиллари мунтазам тарзда матбуот хизмати учун кадр сўрайди. Бу соҳада кадрлар кам бўлгани учун уларга рад жавобини беришга тўғри келади. Замон талаблари ўзгаргани, янги тартибда иш юритиш зарур бўлгани туфайли малакали журна-

лишда амалга оширишни режалаштирган. Биринчидан, журналист кадрларнинг реал аҳолини ўрганиб, қайси вилоят, шаҳар ва туманга қанча журналист ёки жамоатчилик билан алоқалар соҳасида мутахассислар кераклиги аниқлаб олинади ва қабул квоталари шунга мос яратилади. Иккинчидан, ихтисослашув биринчи босқичдан ташкил этилади. Бу талабаларга тахсил бошиданок телевидение, интернетни бевосита ўрганиш ва ишлаш имконини беради.

– Журналистика соҳаси битирувчиларига малака еттишмаслиги, имло қондаларини билмаслик, фаолиятнинг амалиёт билан боғланмагани каби эътирозлар билдирилди... Университет

Қарор моҳияти

буларни қай йўсинда хал қилмоқчи? Таълим ва амалиёт уйғунлиги қандай эришмоқчи?

– Аслида, бу бахтсиз мавзу. Танганинг иккинчи томонига ҳам назар солиш, мутахассислик фанлари, ўзбек тили ва адабиётига юкмадан ажратилган вақт каби жиҳатларини инобатга олиш керак. Бусиз ҳулоса бирёклама бўлиб қолаверади. Умумтаълим мактабларидаги ахвол қоникарсизлиги ҳеч қимга сир эмас ва ўқишга кириш учун саволдан кўра кўпроқ механик ёлда олиш талаб қилинади. Олий ўқув юртлири ҳам бўш, билимсиз талабаларни сафдан чиқара олмайди. Одатда, бунга руҳсат берилмайди. Омма кўзидан яширин мана шундай муаммолар мавжуд.

Бугунги кунда журналистика факультетларида ўқиш билан амалиёт ўртасида каттагина узилиш бор. Янги университет раҳбарияти биринчи ўринда шунга эътиборини қаратади. Ва, ўйлаймизки, назария ва амалиёт ўртасидаги тафовутга барҳам берилади. Агар бизни миллий телерадиокорпорация, газета ва журналлар таҳририятлари, мустақил интернет медиалар қўллаб-қувватласа, талабаларимизни амалий ишга ўргатса, биз қўйилган мақсадга эришамиз. Зеро, «қарс» икки қўлдан чиқади.

– Жамиятнинг янада ривожлантириш учун ташкил этилган бу университетдан муносиб кадрлар етиштириб чиқиши керак. Дунё журналистикаси шиддат билан ривожланибди. Ахборот узатишнинг анъанавий журналистика қондаларини суриб чиқарадиган янги форматлари пайдо бўлаётти. Бу жараёнда журналистика жанрлари қанчалар ўзини оқлайди? Жанрлар имкониятларини аниқлаб, чегара қўйиб берадиган малакали ва тажрибали мутахассисларимиз етарлими?

– Ахборот асрида журналистика жанрлари, бир томондан, жиддий ўзгариб кетаётган бўлса, иккинчи томондан, улар бирлашиб, синтезлашмоқда. Жанрлар журналистик маҳоратнинг бир қисми бўлса-да, етакчи мезон эмас. Журналистик асарнинг етакчи мезони – журналистнинг ижтимоий ҳарорати, унинг аудиторияни ўзига жалб эта олиши, қолаверса, самий, чин юракдан чиққан публицистикаси ҳисобланади.

Бинобарин, педагогик жараёнга чет элдан ҳам мутахассисларни жалб этиш режалаштирилган. Шу билан бир қаторда хорижий талабаларни ўқитиш ҳам назарда тутилган. Биз Қозғистон, Қирғизистон, Хитой каби давлатлар талабаларини Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида тахсил этамиз.

– Мазкур таълим даргоҳи юртимиз журналистикасининг энг илғор вакиллари, устоз журналистлар бир ёқадан бир чиқариши, бир жойга тўпланиб, ҳамжиҳатликда журналистиканинг келажаги учун барча кучларини сафарбар этадиган маконга айланиши лозим. Шундай эмасми?

– Журналистика ҳамкасблар рақобати жараёнда ривожланадиган касб. Бу қайфият педагогларга ҳам ўтган ва таълим жараёнига зарар етказиб келмоқда. Янги университетда, энг аввало, ақдрилиқ, ўзаро ҳурмат, бир ёқадан бош чиқариб ишлашни жорий этмоқчимиз, таълим олувчилар учун ҳам, таълим берувчилар учун ҳам онлаги айлантирмоқчимиз. Ўйлайманки, бунга эришамиз.

Суҳбатдош:
Салим АБДУРАҲМОНОВ

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида ОАВ ходимлари билан учрашув бўлиб ўтди.



Холис ва ишончли кўмакчи

Унда таъкидланганидек, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан бажарилаётган турли йўналишлардаги ишларда оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам яқин ҳамкор ва елкадош бўлаётгани барча ютуқлар гарови вазифасини ўта-

моқда. Учрашувда ана шундай ҳамкорликнинг натижаси ўларок бир гуруҳ фаол журналистлар ва матбуот ходимларига мукофотлар топширилди. Қизгин мулоқот чоғида ҳамкорлик истикболлари муҳокама этилди.

Эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси

«BEST LINE REALTOR» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

2018 йил 23 июль куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Кичик халқа йўли 52-уй маҳаллида ўтказиладиган аукцион савдоларига Тошкент шаҳар ҳўжалик сундини 22.12.2015 йилдаги 10-1510/23289-сонли хал қилув қарорига асосан, банкрот деб топилган «TORSVIK MNM» МЧЖ шаклидаги чет эл қоронаси кредиторлар кўмитасининг 15.05.2018 йилдаги 18-сонли йиғилиш баённомаси ва тузатиш бошқарув-чисининг 18.06.2018 йилдаги 41-2018-сонли буюртмасига асосан, жамият ҳисобидига қуйидаги мулклар алоҳида ЛОТ тартибиде қўйилмоқда:

1-ЛОТ. Тошкент шаҳри Сергели тумани Меҳригё кўчаси 1-уй маҳаллида жойлашган Липер-0001 курилиш май-дони 438,0 кв.метр бўлган курилиш тугалланмаган бино, 80,0 п/м темир-бетон девор, 15-сотиҳ эр участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи ва Липер-0002 курилиш майдони 257,0 кв.метр бўлган қўл қавати тураржой биносининг ерўла қисми. Бошланғич баҳоси – 1 030 000 000 (бир миллиард ўттиз миллион) сўм.

2-ЛОТ. Тошкент шаҳри Яқсарой тумани Кичик-Бешёғоч кўчаси 3-А-уй маҳаллида жойлашган Липер-0001 курилиш май-дони 463,0 кв.метр бўлган ерўла қисми ва 3-Б-уй маҳаллида

жойлашган Липер-0002 курилиш майдони 340,0 кв.метрдан иборат ерўла қисми. Бошланғич баҳоси – 2 226 000 000 (икки миллиард икки юз йитирига олти миллион) сўм.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртмано-малар «Савдо ташкилотчиси» томонидан расмий иш қу-ларни соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик, шанба ва якшанба дам олиш кун-и). Буюртманомаляри қабул қилиш охириги муддати: 2018 йил 20 июль кун-и 16:00. Аукцион савдоси голибига 10 кун муддатда олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш истигадла бўлган талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузилдиган за-калат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фозни миқдоридеги закалат пуллари тулгангандан сўнг савдода иштирок этиш учун бу-юртманома топширишлари лозим.

– жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, буюртмани ваколатли вакил топшириганде қонун ҳужжатларида бел-гиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ёки ко-нуний ваколлигини тасдиқловчи ҳужжат, унинг шахсини

тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши сўралади.

– юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, буюртмани вако-латли вакил топшириганде унинг тасдиқловчи ҳужжат нус-хаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши сўралади.

Тақдим қилинган ҳужжатларнинг барча ыараклари талабгорнинг имзоси билан (жисмоний шахслар учун) қалам талабгорнинг имзоси ва муҳри билан (юридик шах-слар учун) тасдиқлангани шарт.

Закалат тўлови учун реқвизитлар: «BEST LINE REALTOR» масъулияти чекланган жамиятининг Х/Р: 20208000300692478001, АТБ «InfFinBANK» Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани филиали МФО: 01141, СТИР: 304421042, ОКОНХ: 83100.

Буюртманомаляри қабул қилиш, қўшимча маълумотлар билан танишиш ва савдо ўтказиладиган мағизил: Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Кичик халқа йўли қўчаси 52-уй. Тел.: (+998 98) 115-71-97, E-mail: best-line-realtor@mail.ru, Веб-сайт: www.1blr.uz

Лицензия RR- 0274

Ҳамкорлик меморандуми

Ижодий жараёнга креатив ёндашиш имконини беради



Икром ИСҚАНОВ оқим суратлар

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газета-лари таҳририяти ҳамда Ўзбекистон Респуб-ликаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Ах-борот-таҳлил мультимедиа маркази ўрта-сида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Унга мувофиқ, томонлар ўртасида мамлакатимизда олиб борилаётган ис-лохотларнинг мазмун-моҳияти ва натижа-

ларини кенг оммага етказиш йўлида яқин ҳамкорлик ўрнатилди.

Эндиликда газеталар саҳифаларида марказ журналистлари томонидан тайёр-ланаётган батафсил шарҳлар, таҳлилий материаллар ва ахборотлар бериб борила-диган бўлди.

Ўз мухбиримиз

«Surxondaryo mulk savdo» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосида қуйидаги мол-мулклар ва автомобилотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. АТ «Халқ банк» Саросиёе фи-лиали томонидан савдога чиқарилган, 1999 йилда и/ч, «Нексия» русумли, 75058 JAA давлат белгиси, носоэ ав-томашина. Бошланғич баҳоси: 9 206 857 сўм.

2. «Сурхондарё минтақавий пахта терминали» МЧЖ томонидан савдога чиқарилган, 2003 йилда и/ч, ГЪАСПГ «Нексия ДОНС» русумли,

75/366 JAA давлат белгиси, носоэ ав-томашина. Бошланғич баҳоси: 9 011 000 сўм.

Аукцион савдоси Термез шаҳри Бахт кўчаси 3/45-уй маҳаллида 2018 йил 30-31 июль кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдо-сида қатнашиш истигадла бўлган талаб-горлар «Surxondaryo mulk savdo» МЧЖ билан закалат шартномасини расмий-лаштириб, ЧЗЖИ «Хамкор банк»нинг Х/Р: 2020800040068025001, МФО: 01001, ИНН: 305471954 га солилаёт-

ган мол-мулк бошланғич баҳосининг 10 фозидан кам бўлмаган миқдорда закалат пули тулган ҳолда ариза бе-риб рўйхатдан ўтишлари шарт. Ариза-ларни қабул қилиш савдо бошланғичи-дан бир кун олдин тўхтабталади. Мазкур мол-мулклар ва автомобилотранспорт воситаси ушбу савдода сотилмай қолганда тақро-рий савдолар 15 август куни соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади. Мурожат учун манзил: Термез шаҳри Бахт кўчаси 3/45-уй. Тел.: (0376) 224-36-76.

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Республика Кенгаши Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Рес-публикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон Фан-лар академияси академиги, тиббиёт фанлари доктори, «Меҳнат шuhrати» ордени соҳиб, Республика патологоанатомик маркази директори

Малика АБДУЛЛАХҲҲАЕВАННИНГ

вафотини муносабати билан марҳуманинг онла аъзоларига чуқур тазия билдиради.

Ўзбекистон нефть-газ геологияи ходим-лари қасаба уюшмаси Республика Кен-гаши «Бухоро нефтини қайта ишлаш за-води» масъулияти чекланган жамияти қасаба уюшма кўмитаси раиси, Республика Кенга-шининг аъзоси Баҳодир Қаримовга ақаси

Бахтёр ҚАРИМОВНИНГ

вафотини муносабати билан чуқур тазия изҳор этади.

Китоб жавонингизга



Муносиб туҳфа

Иқтисодиёт моҳиятан режалари яшаш илми. Бу илмдан беҳабар инсон ҳайқириб оқаётган дарёни қўлмақчаларга айлантириб қўйи-ши мўмкин, аксинча, боҳабар киши эса томчилардан дарёни ҳосил қила олади. Шундай дарё-лардан бири ўз ўзани бўйлаб Ва-тан ичра сафарга чиқди. Иқтисо-дий билимларни сув қилиб ичган маҳоратли публицист, Ўзбеки-стон Республикасида хизмат кўр-сатган журналист Икром Ўтбоса-ровнинг «Ватанда сафар қил...» номли китоби нашр этилди.

Чексиз меҳр билан қоришқ асл ва мажозий маънодаги чуқур фал-сафий мазмун-моҳият акс этган бу кутлуг сафар ўқувчини, аввало, Ватан сарҳадлари бўйлаб росмана саёҳатга чо-рлайди. Зотан, юртимизнинг ҳар бир гў-шасида ўзига хос ҳаёт қайнайди, атвас-у адрас жозибасининг сирини билгиси ёки юртимизнинг олтин сандиғида ранг-ба-ранг товланаётган хазинани-ю афсона, ҳақиқатга айланган мамлакатни кўргиси келмайдиган киши бормикан? Қўйингки, саккизинчи мўъжизанинг нималиги ҳам-мани қизиктиради, албатта.

Китоб ичра сафар ҳам олам-олам таас-суротлар билан мароқли ўтади. Мулкнинг биз билмаган маъноси нима-ю, эмиссия нимани англатишини, айниқса, шахсий жағғармаимизни ёстиқнинг ичига бекит-ган маъқулни ёки банкларга омонат топ-шириш афзалроқми – барчасига батаф-сил маълумот берилган. Маълумотлар-нинг ҳамма учун тушунарли, қизикарли бўлиши учун муаллиф гоҳида суҳбат уюштиради, гоҳида тадқиқот олиб боради ёки журналистик таҳлил қилади, кези кел-ганда танқид қилади. Ушбу тўпلامдан ўрин олган очерк ва лавҳалар, таҳлилий мақолалар-у қизикарли суҳбатлар 25 йил давомида «Халқ сўзи» газетасида ёритиб боришган. Муаллиф, аввало, қаламга оли-нажак ҳар бир объектнинг ич-ичига ки-риб боради, уни атрофича ўрганиб, шун-дан кейингина ёзишга ўтиради. Мавзунини ҳар тарафлама таҳлил-у таърифлар билан очиб берад экан, маълумотлар ўқувчилар-нинг кенг аудиторияси учун мўлжаллан-ганига эътибор қаратади. Ана шу ҳусуси-яти билан ҳам мазкур китоб муаллифининг халқимизга тақдим этган муносиб туҳ-фаси бўлди.

Шаҳзода ҲАКИМОВА,
«Ishonch» мухбири

Наманган вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси жамоаси

Она юртимиз тараққиётига ўз ижоди, қалб қуввати, сўз қудрати орқали муносиб ҳисса қўшаётган ОАВ вакиллари касб байрами билан табриклайди.



Халқ орзу-умидларига тиргак, дардига малҳам бўлиш бахти ҳар бир журналистга ёр бўлсин!


XALQ BANKI

Акциядорлик тижорат-Халқ банки-жамоаси
27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот
воситалари куни билан соҳа ходимларини
самимий муборакбод этади.

Юртдошларимизни холис ва ҳаққоний ахборот билан таъминлашдек масъулиятли, заҳматли ишларингизда Сизларни куч-ғайрат ҳеч қачон тарк этмасин!

Фурсатдан фойдаланган ҳолда
«Халқ банки» ўз мижозлари учун
қуйидаги хизматларни
таклиф этади:

Xalq Mobile



Онлайн
конверсия



Карталар



Кредитлар



Омонатлар



ФЖБП

www.xb.uz

info@xb.uz

(0371) 200-00-55

Хизматлар лицензияланган.

«ЎЗБҮРГҮНЕФТГАЗ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ БОШҚАРУВИ ВА БИРЛАШГАН КАСАБА УЮШМА ҚҮМИТАСИ

Юртимиздаги барча ижод аҳлини 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан қизғин муборакбод этади!

Гўзал, обод ва озод дийримизни, меҳнатсевар халқимиз ютуқларини тараннум қилиб чарчаманг.

Илҳом ва ижод ютуқларидан завқланиб яшанг!

Жонажон Ватанимизнинг осмони мусоффо, зафарлари давомли, байрамлари кўп бўлсин!



Шароф Рашидов тумани таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Кенгаши жамоаси

Мамлакатимиздаги барча ижод аҳлини 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин дилдан қутлайди.

Ҳар бир қаламкашга мустақкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, бекат-саодат, ижодий баркамоллик тилайди.

Юртимиз раънақи, халқимиз фаровонлиги йўлида ҳеч ҳам тоялманг, азизлар!



МУАССИС:



2007 йил 11 январда
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
116-рақам билан рўйхатга
олинган.



Бош муҳаррир: Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — 256-64-69
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — 256-85-43
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон
Республикаси Президентининг фармон ва
қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий,
танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни
билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисоб рақами:

2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Iroteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Худудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон
Республикаси — (+998-91) 268-92-32
Андижон — (+998-91) 475-23-60
Бухоро — (+998-93) 653-50-81
Жиззах — (+998-91) 943-67-44
Наманган — (+998-90) 260-50-77
Навоий — (+998-93) 314-13-03
Самарқанд — (+998-97) 915-50-87
Сирдарё — (+998-90) 610-95-55
Сурхондарё — (+998-91) 233-69-07
Фарғона — (+998-90) 991-55-71
Хоразм — (+998-90) 719-48-00
Қашқадарё — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи
назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Х. Норбоев
Навбатчи:
А. Абдулфайзов
Мусаҳҳиш:
З. Исмоилов
Саҳифаловчи:
Х. Абдужалилов
Босишга топшириш вақти — 02:20
Топширилди — 02:40
12 156
Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табақ,
Буюртма Г — 609,
29561 нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133